



№ 32204 сонли пудрат шартномаси

«13» июль 2022 йил

Жиззах шаҳри

«BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTRE» масъул янги чекланган жамияти номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари Д. Тиркашев ва Зомин туман Халқ Таълим Булими раҳбари А. Эргашев мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Иш ва хизматни бажарувчи ўз зиммасига буюртмачининг топширигига кўра мазкур шартноманинг 1.2.- бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади. буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Иш ва хизматларни бажарувчи кейинги ўринларда «Ишлар» деб аталадиган куйидаги ишларни олади **Бинони жорий таъмирлаш**

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил «18» июльга қадар иш ва хизматни бажарувчига зарурий лойиҳа-смета ҳужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Иш ва хизматларни бажарувчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб беш кун ичида амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 % миқдорига бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома томонлар томонидан тасдиқланиб Газначиликда руйхатдан утган вақтдан бошлаб қучга қиради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойиҳага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбуриятини бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмининг пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 645 000 000 (Олти юз қирк беш миллион) сўмни ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

5.5. Буюртмачи билан пудратчи уртасидаги ташкилий ишлар харажати пудратчи томонидан қоплаб борилади.

5.6. Буюртмачи билан пудратчи уртасидаги мазкур шартнома мажбуриятлари иш бажариш жараёнида коррупция ҳолатларига йўл қўймасликларни шарт. бундай ҳолатлар маълум бўлган тақдирда тарафлар коррупцияга қарши курашувчи давлат органларига бу ҳақида хабар беришлари лозим.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас қуч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бўйича жавобгар эмас. (Уруш ёллон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган қучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни

амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган **Жиззах** вилоят иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар кирйтиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгаришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолангандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;
-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;
-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарор буйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Якуний қондалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага
илова _____

10. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

«BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTR» МЧЖ

Зомин туман ХТБ

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

(буюртмачининг номи)

Манзил: Жиззах ш. Халқобод МФЙ Давлатобод №53

Манзил: Сайилгоҳ-6

Тел./факс +99890 485 65 55

Тел./факс 72 39 21 271

(х/в ёки ш/х) 20208000305237502001

ш/х: 100022860082187092100075080

Банк номи: Жиззах ш. Туронбанк АТБ

Банк номи: Марказий банк ХККМ

Жиззах вилоят филиали

Ташкилотнинг СТИР 201833096

ИНН: 307472674

ОКОНХ:

МФО: 00982

МФО: 00014

ОКОНХ: _____



Рахбар

Д. Тиркашев
(Ф.И.Ш)

М.Ў.



Рахбар
(имзо)

А.Эргашев
(Ф.И.Ш)

**“Buran Business Construction Centr” mas’uliyati cheklangan jamiyati
va Zomin tuman xalq ta’limi bo’limi o’rtasidagi binoni joriy ta’milash
hamda jihozlash bo’yicha tuzilishi mo’ljallangan 645 000 000 (olti yuz qirq
besh million) so’mlik “Pudrat shartnomasi” loyihasini xuquqiy
ekspertizadan o’tkazish yakuni bo’yicha**

XULOSA №

UZ68631314

Zomin tuman yuridik xizmat ko’rsatish markazi bosh yuriskonsulti B.O’tanov tomonidan “Buran Business Construction Centr” mas’uliyati cheklangan jamiyati va Zomin tuman xalq ta’limi bo’limi o’rtasidagi binoni joriy ta’milash hamda jihozlash bo’yicha tuzilishi mo’ljallangan 645 000 000 (olti yuz qirq besh million) so’mlik “Pudrat shartnomasi” loyihasi xuquqiy ekspertizadan o’tkazildi.

Mazkur shartnoma loyihasi O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 666-685-moddalari va “Xo’jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to’g’risida”gi qonun talablariga muvofiq tuzilgan.

Shartnoma loyihasida shartnoma predmeti, bajariladigan ishlarining miqdori, sifati, bahosi, shartnomaning bajarilish muddatlari, hisob-kitob qilish tartibi, taraflarning majburiyatlari, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligi, nizolarni hal etish tartibi hamda taraflarning rekvizitlari, shartnoma tuzilgan sana va joyi, ishlar haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo’lmagan miqdorda oldindan to’lab qo’yish shartlari nazarda tutilgan.

Yuqoridagilarga ko’ra mazkur shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlari talablariga muvofiqligi xaqida ijobiy xulosa berildi.

**Zomin tuman yuridik xizmat ko’rsatish
markazi bosh yuriskonsulti:**



B.O’tanov



«ГАСДИКЛАЙМАН»

“Зомин туман Халк таълими булими”

Эргашев А
2022 йил

“Жиззах вилояти Зомин туман Даштобод шаҳридаги 39-сонли умумтаълим мактаби” учун бюджет маблағлари ҳисобидан товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ №

2022 йил “14” июль

Зомин т

“Зомин туман Халк таълими булими” раҳбари Эргашев А

(Бюджет ташкилоти номи, раҳбари, раҳбар И.Ф.О.)

2022 йил “20” Январдаги № 10/8-сонли бўйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда

Қатнашдилар:

Эргашев Анвар- “Зомин туман Халк таълими булими”- баҳолаш танлов комиссиясининг раиси

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Файзиёва Насиба Шакировна
Тожибоев Икром Атабоевич
Маликов Илхом Каюмович
Бердибеков Омон Рустамович
Юлдашев Кахрамон Бахтиёрович

Котиба - комиссия аъзоси
Бош ҳисобчи – комиссия аъзоси
Мониторинг булими бош инспектори- комиссия аъзоси
Мудир уринбосари- комиссия аъзоси
Қурилиш бўлим бошлиғи- комиссия аъзоси

Қун тартиби:

“Жиззах вилояти Зомин туман Даштобод шаҳридаги 39-сонли умумтаълим мактаби” маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни харид қилиш (бажариш) бўйича махсус ахборот порталига 08.07.2022 йилда №115921. сонли “Жиззах вилояти Зомин туман Даштобод шаҳридаги 39-сонли умумтаълим мактаби” биносининг жорий таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган электрон танлов юзасидан келиб тушган эътирозлар бўйича.

“Жиззах вилояти Зомин туман Даштобод шаҳридаги 39-сонли умумтаълим мактаби” учун товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш (бажариш) бўйича иштирок этган даъвогар ташкилотлар ва уларга қўйилган умумий баллар

№	Товар (иш, хизмат)нинг номи	Ўлчов бирлиги	Сони (миклори)	ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER		НИЗОМ-ФАРРУХ КТХФ		MCHALI DOVUT BUNYODKOR	
				Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл
1	“Жиззах вилояти Зомин туман Даштобод шаҳридаги 39-сонли умумтаълим мактаби” биносини жорий таъмирлаш	Хизмат	1	645 000 000	99.89147	638 000 000	95.5	647 000 000	92.6609
	Жами	х	х	645 000 000		638 000 000		647 000 000	

Талабгорлар томонидан 08.07.2022 йилда №115921. сонли “Жиззах вилояти Зомин туман Даштобод шаҳридаги 39-сонли умумтаълим мактаби” биносини жорий таъмирлаш бўйича ўтказилган электрон танлов юзасидан 14.07.2022 йил соат 10-00 га қадар ҳеч қанака ёзма ёки оғзаки эътироз ёки мунозаралар келиб тушмади.

Комиссия “Жиззах вилояти Зомин туман Даштобод шаҳридаги 39-сонли умумтаълим мактаби” ни жорий таъмирлаш ишлари учун ўтказилган электрон танлов бўйича

Қарор қилади:

“Жиззах вилояти Зомин туман Даштобод шаҳридаги 39-сонли умумтаълим мактаби” биносининг жорий таъмирлаш ишлари бўйича жорий таъмирлаш ишлари учун электрон тарзда ўтказилган танловда жами 99.89147 балл билан ғолиб бўлган “ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER” МЧЖ билан шартнома имзоланиб, Ҳазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилсин.

ЭРГАШЕВ А
(И.Ф.О.)

ЮЛДАШЕВ К
(И.Ф.О.)

ФАЙЗИЁВА Н
(И.Ф.О.)

ТОЖИБОЕВИ
(И.Ф.О.)

БЕРДИБЕКОВ О
(И.Ф.О.)

МАЛИКОВ И
(И.Ф.О.)

(Имзо)
(Имзо)
(Имзо)
(Имзо)
(Имзо)
(Имзо)

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 115921 на приобретение Зомин туман 39 мактаб биносини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 08.07.2022

Время рассмотрения 08.07.2022 08:55

Конкурсная комиссия Зомин тумани халк таълими булими аппарат, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ЭРГАШЕВ АНВАР МАМАТҚУЛОВИЧ	Мудир	Зомин туман ХТБ
Секретарь комиссии	FAYZIYEVA NASIBA SHAKIROVNA	Хужалик ишлари мудири	Зомин туман ХТБ
Член комиссии	БЕРДИБЕКОВ ОМАН РУСТАМОВИЧ	Мудир уринбосари	Зомин туман ХТБ
Член комиссии	MALIKOV ILHOM KAYUMOVICH	Мониторинг булими бош инспектори	Зомин туман ХТБ
Член комиссии	ТОЛИБАҲҲЕВ ИКРОМ АТАВОҲҲЕВИЧ	Бош хисобчи	Зомин туман ХТБ
Член комиссии	YULDASHEV KAXRAMON BAHTIYAROVICH	Курилиш булими бошлиги	Зомин туман ХТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.07.2022 года № лота 115921.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту зданий
Подробное описание	Зомин туман 39 мактаб биносини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	648 769 193.00
Стартовая сумма	648 769 193.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқдан қарзи йук маълумотномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқдан қарзи йук маълумотномаси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJALI DOVUT BUNYODKOR	25	Хозирда	23	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		жамиятимизнинг бирор бир ташкилот ва тегишли органлардан олдида карздолик мавжуд эмас.				
НИЗОМ-ФАРРУХ КТХФ	25	Корхонамиз солик ва бошка туловлардан карзи мавжуд эмас	23	Экспертная		
ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER	25	1. Солиқдан карзи йук маълумотномаси	25	Экспертная		

Критерий №2 Доимий ишчилар руйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Доимий ишчилар руйхати

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МСНЖАЛИ ДОВУТ БУНЮДКОР	25	Ишларни сифатли хамда уз вактида бажариш учун барча малакали ишчилар мавжуд.	23	Экспертная		
НИЗОМ-ФАРРУХ КТХФ	25	Хозирда корхонамизда 11 нафар ходим руйхатга олинган	24	Экспертная		
ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER	25	4. Доимий ишчилар руйхати	25	Экспертная		

Критерий №3 Гувохнома паспорт нусхалари

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувохнома паспорт нусхалари

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МСНЖАЛИ ДОВУТ БУНЮДКОР	25	Гувохнома паспорт нусхалари илова килинди.	23	Экспертная		
НИЗОМ-ФАРРУХ КТХФ	25	Корхонамиз фаолият турларини бир нечтаси билан шугулланади	25	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER	25	3. Гувохнома паспорт нухалари	25	Экспертная		

Критерий №4 Корхона техникалар тугрисида маълумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона техникалар тугрисида маълумоти

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МСНЖАЛИ ДОВУТ БУНЫОДКОР	25	Корхонамизда ишларни сифатли ва уз вақтида бажариш учун зарур барча техникалар мавжуд.	23	Экспертная		
НИЗОМ-ФАРРУХ КТХФ	25	Барча транспорт воситалари техник куриқдан утказилган сугурта туловлари уз вақтида туланган	23	Экспертная		
ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER	25	2. Корхона техникалар тугрисида маълумоти	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
МСНЖАЛИ ДОВУТ БУНЫОДКОР	648 769 193.00	647 000 000.00 UZS	647 000 000.00	00.00	647 000 000.00	07.07.2022 11:32:59	09.86
НИЗОМ-ФАРРУХ КТХФ	648 769 193.00	638 000 000.00 UZS	638 000 000.00	00.00	638 000 000.00	07.07.2022 17:35:40	10.00
ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER	648 769 193.00	645 000 000.00 UZS	645 000 000.00	00.00	645 000 000.00	07.07.2022 17:45:17	09.89

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл

МСНЖАЛИ DOVUT BUNYODKOR	82.8	9.8609	92.6609
НИЗОМ-ФАРРУХ КТХФ	85.5	10	95.5
ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER	90	9.89147	99.89147

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 115921 от 08.07.2022 года на приобретение Зомин туман 39 мактаб биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО BURAN BUSINESS CONSTRUCTION CENTER
307472674

и резервный исполнитель: НИЗОМ-ФАРРУХ КТХФ (300639184)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ЭРГАШЕВ АНВАР МАМАТҚУЛОВИЧ	Согласен	
Член комиссии	БЕРДИБЕКОВ ОМАН РУСТАМОВИЧ	Согласен	
Член комиссии	ТОЛБАҲЕВ ИКРОМ АТАВОҲЕВИЧ	Согласен	
Член комиссии	YULDASHEV KAXRAMON BAHTIYAROVICH	Согласен	
Член комиссии	MALIKOV ILHOM KAYUMOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП